

## **ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ИШИНИ ЮРИТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ**

**Набиев Хушбахт Муйинжонович**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Магистратура тингловчиси*

**Аннотация.** Мазкур мақолада тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлаш ва тезкор-қидирув ишини юритишни ташкил этишнинг айрим жиҳатлари, фаолиятни ташкил этишдаги асосий тушунчалар, мавжуд муаммолар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва бугунги кун талаби билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Шунингдек, жиноятларни фош этиш фаолиятини ташкил этишда тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлаш ва тезкор қидирув ишларини юритишнинг аҳамияти хақида маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** Ички ишлар органлари, тезкор-қидирув фаолияти, ахборот билан таъминлаш, тезкор-қидирув иши, тезкор-қидирув тадбирлари.

## **НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ИНФОРМАЦИИ ДЛЯ НАУЧНО- ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ОРГАНИЗАЦИИ ОПЕРАТИВНО-ПОИСКОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

**Аннотация.** В данной статье описаны некоторые аспекты организации оперативно-розыскных мероприятий, основные понятия организации деятельности, существующие проблемы в связи с проводимыми в нашей стране реформами и современными требованиями. Также была представлена информация о значении информационно-оперативных мероприятий в организации оперативно-розыскной деятельности.

**Ключевые слова:** правоохранительные органы, оперативно-розыскные мероприятия, информационное обеспечение, оперативно-розыскные мероприятия, оперативно-розыскные мероприятия.

## **SOME ASPECTS OF INFORMATION FOR RESEARCH ACTIVITIES AND ORGANIZATION OF RAPID SEARCH ACTIVITIES**

**Annotation.** This article describes some aspects of the organization of operational and search operations, the basic concepts of the organization of activities, the existing problems in connection with the ongoing reforms in our country and today's requirements. Information was also provided on the importance of information and operational search activities in the organization of crime detection activities.

**Keywords:** law enforcement agencies, search operations, information support, search operations, search operations.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва хуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон хуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенглик мухитини таъминлаш учун муҳим пойdevor бўлди,

халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди<sup>1</sup>.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган 800 дан ортиқ қонун ва 18 та кодекслар ҳаётимизнинг хуқуқий асосини ташкил этади ҳамда кучли хуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга хизмат қиласди<sup>2</sup>. Айни вақтда, жамиятимизнинг кейинги ривожланиши янги қонунлар қабул қилиш, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш борасидаги ишларни давом эттиришни талаб қилмоқда.

Тезкор-қидирув фаолияти давлатнинг хуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти сифатида жиноятчиликка қарши курашишнинг давлат-хуқуқий турларидан бири ҳисобланади ва унга юклатилган вазифаларни самарали ҳал этиш борасида маҳсус кучлар, воситалар ҳамда тезкор-қидирув тадбирларига эга эканлигини эътироф этиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида суд-хуқук тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга ошириш тизимида бошқа қонун лойихалари қаторида «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш тақлиф этилган эди. Ушбу Қонун 2012 йил 25 декабрда қабул килинди ва унинг амал қилиниши билан боғлиқ масалалар кўлами улканлиги эътиборга олинниб, у расмий эълон қилинган кундан эътиборан ўн икки ой ўтгач, яъни 2013 йил 25 декабря кучга кирди.

**Мазкур қонунга бир қатор ўзгаришиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, 2016 йилда 14,15,16,21-моддаларига<sup>3</sup> ўзгаришлар ва қўшимчалар, 2017 йилда эса 11-моддаси<sup>4</sup> ҳамда 10-моддасига<sup>5</sup> тегишли қўшимчалар киритилди. Ўзгаришиш ва қўшимчалар киритишдан асосий мақсад шундаки жиноятчиликка қарши курашиш учун тезкор-қидирув тадбирларини ўtkaziшда ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш, фуқароларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда тезкор ходимлар томонидан жиноятчиликка қарши курашишда иш фаолиятини самарали ташкил этишдан иборатdir.**

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ҳозирги шароитда Ўзбекистонда хуқуқий-демократик давлат барпо этилаётганлигининг амалий ифодасидир, чунки тезкор-қидирув фаолиятининг асосий вазифа ва принциплари қонун даражасида тартибга солинди, фаолиятни амалга оширувчи органлар ҳамда уларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилди.

«Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонуни қабул қилингандан сўнг, Ўзбекистон Республикаси ИИВ мазкур қонун талаблари бўйича ўзининг фаолиятини қайта кўриб чиқди. Бу борада мамлакатимизда очилмаган оғир турдаги, ноаёнликда содир этилган жиноятларни фош этиш ва жиноятларни олдини олиш бўйича тезкор-қидирув бўлинмалар фаолиятини самардорлигини оширишга хизмат қиласидан норматив-хуқуқий ҳужжатлар қайта ишлаб чиқилди.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» гиФармони.[www.lex.uz](http://www.lex.uz)

<sup>2</sup>Lex.uz «Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги маълумотларининг миллий базаси» излов тизимидағи маълумотлари бўйича тайёрланди.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларга ўзгаришиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ги 405-сон Қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – №17. – 173-м.

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларга ўзгаришиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ги 442-сон Қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – №36. – 943-м.

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 16 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларга ўзгаришиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ги 448-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – №126. – 17-м.

Қонун хужжатларини ўрганиш шуни қўрсатмоқдаки, тезкор-қидирув фаолияти уни амалга ошириш механизмини очмаган ҳолда қатор қонун хужжатларида белгилаб қўйилган эди, жумладан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (121-м.), Жиноят-процессуал кодекси (339, 382-мм.), Жиноят-ижроия кодекси (68-м.), Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида» (4, 8, 28 ва 31-мм.), «Терроризмга қарши кураш тўғрисида» (4-м.), «Адвокатлик фаолияти кафолатлари ҳамда адвокатларни ижтимоий химоялаш тўғрисида» (7-м.), «Наркотик воситалар ва психотроп моддалар тўғрисида»ги(29, 39-мм.) ва бошқа норматив-хукукий хужжатларида ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига

2017 йил

9 февраль куни ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағищланган видеоселектор йиғилишидаги нутқида «Ички ишлар органлари шундан ишлаши керакки, токи ҳалқ давлатдан рози бўлсин. Лекин айрим жойларда уларнинг фаолияти одамлар эътиrozига сабаб бўлмоқда. Айниқса мол-мулкка жиноий тажовуз каби салбий ҳолатларга тўлиқ чек қўйилмаган» деган танқидий фикрлар билдирилган эди<sup>6</sup>.

Фуқароларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, хукуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит хукукий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қўйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди<sup>7</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги 5005-сон «Ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли химоя қилишни таъминлашда уларнинг маъсулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан ҳамда ИИОлари жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш қидирув ишларини амалга оширишни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг худудий бўлинмаларининг тезкор-қидирув фаолияти самарадорлигини оширишда асосий йўналишлар ва муҳим вазифалар белгиланди.

Мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб, ички ишлар органларининг терлов, хукуқбузарликлар профилактикаси, тезкор-қидирув, эксперт-криминалистика, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги бўлинмаларини фуқароларга тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатиш ҳамда хукуқбузарликларни аниқлаш, барваҳт олдини олиш ва фош этиш имконини берувчи замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни химоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек хукуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасидан иборат. Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, ягоалик, фуқароларнинг хукуқлари, эркинликлари

<sup>6</sup>Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг хукуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон хаёти химоя қилинмоғи керак //Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 2017 йил 9 февраль куни ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағищланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи: [www. uza.uz](http://www. uza.uz)

<sup>7</sup>«Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли химоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5005-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2017. – №15. – 243-м.

ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш, очиқлик ва шаффоффикдан иборат<sup>8</sup>.

Тезкор-қидириув фаолияти давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти сифатида жиноятчиликка қарши курашишнинг давлат-ҳуқуқий турларидан бири бўлиб, у ўзига юклатилган вазифаларни самарали ҳал этиш борасида маҳсус кучлар, воситалар ҳамда тезкор-қидириув тадбирларига эга эканлигини эътироф этиш лозим.

Ҳозирги кунда ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш ва содир этилган жиноятларни «иссиқ изи»дан очиш ушбу соҳада хизмат қилаётган ҳар бир ходимдан ўз ишига янгича ёндашишни талаб этмоқда. Бунинг учун эса ходимлар олдига қўйилаётган асосий талаблар, аввало, ўз хизмат вазифасига вижданан ва сидқидилдан муносабатда бўлиш, қолаверса, жамиятнинг бугунги ривожидан келиб чиқиб, содир этилаётган жиноят турларининг ошиб бориши ва содир этилиш усуllibарининг такомиллашувини ўз вақтида аниқлаш ҳамда шунга мос тарзда қарши курашиш қобилияти ва кўникмаларини шакллантиришдир.

Республикамизда жиноятчиликка қарши қуаш сиёсати, ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва уларга юклатилган вазифалардан келиб чиқиб: шахснинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкига қарши қаратилган ҳамда терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаб, уларнинг олдини олиш чораларини кўриш; бу турдаги жиноятларни изи совимасидан фош этиш; жиноятларни содир этишга тайёргарлик қўраётган ва унга дахлдор шахсларни аниқлаш, топиш; суриштирув, тергов ва суд органларидан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаётган, бедарак йўқолган шахсларни қидириш; ушбу жараёнда тезкор-қидириув фаолияти натижаларидан фойдаланиш; жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солаётган шахслар, ҳодисалар, харакат (харакатсизлик)лар ҳакида ахборот тўплаш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

«Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси (2012 йил 25 декабрь) қонунининг 18-моддасида «тезкор-қидириув фаолиятини ахборот билан таъминлаш» ва «тезкор-қидириув ишини юритиши» тушунчалари таърифланган. Қонунда тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи органларга зиммаларидағи вазифаларини бажариши учун тезкор-қидириувга мўлжалланган ахборот тизимларини яратиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи берилган. Маълумотларни тўплаш ва тизимлаштириш, тезкор-қидириув фаолияти натижаларини текшириш ва баҳолаш, шунингдек ушбу қонуннинг 15-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганида улар асосида тегишли қарорлар қабул қилиш мақсадларида тезкор-қидириув ишлари юритилади. Тезкор-қидириув ишларининг рўйхати ва уларни юритиши тартиби қонун хужжатларида белгиланади.

Тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ахборот яратиш, уни тўплаш, ишлаш, жамлаш, сақлаш асосида ахборот ресурсларини шакллантиришга, бунинг учун ахборот технологиялари ва уларни таъминлаш воситаларини ишлаб чиқиш, мазкур технология ва русурслардан истеъмолчилар зиммаларига юклатилган вазифаларни бажаришлари учун ахборотни излаш ва хужжатлаштирилган тарзда уларга тақдим этишда фойдаланиш ҳуқуки мустахкамланган.

Тезкор-қидириув иш юритуви ишлари деганда тезкор қизиқиши ўйғотовувчи шахслар ва фактлар ҳақидаги маълумотларга, хужжатларни, тезкор-қидириув фаолияти вазифаларини бажариш мақсадида тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш асослари, шартлари, режалари, ташкил этилиши, амалиёти ва натижаларини акс эттирадиган маълумотлар (материаллар)ни тўплаш, сақлаш ва тизимлаштириш учун мўлжалланган маҳсус ахборот жамловчилар (йигмажиллар) тушунилади<sup>9</sup>.

Фикримизча, ахборот аслида мамлакатимизда тезкор-қидириув фаолияти ни ахборот билан таъминлашда ҳанузгача кўп йўналишларда эски усуllibардан фойдаланиб келинмоқда. Бу эса, тезкор қидириув фаолиятини ташкил этишда муаммо ва турли тўсиқларни келтириб чиқаради. Бундан

<sup>8</sup>Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонуни. (<https://lex.uz>).

<sup>9</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисида”ги қонунига шарх. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015.

ташқари, тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширувчи органлар ўртасида маълумотлар алмашинуви ҳанузгача қозоз шаклида амалга оширилаётганлигини, жиноятларни иссиқ изидан очилишига ёки қидирудаги шахсларни тезкорлик билан ушланишида ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тезкор-қидирав фаолиятини ахборот билан таъминлаш ва тезкор-қидирав ишини юритишни ташкил этиш бўйича қуйидагилар жорий этилиши ўзининг ижобий самарасини беради деб хисоблаймиз:

биринчидан, амалдаги тартибга кўра, тезкор-қидирав фаолиятининг объектлари ўртасидаги боғланишлар тўғрисидаги ахборотлар тезкор-қидирав тадбирлари давомида олинадиган ахборотлар тоифасига кириб, улар “терговчи – тезкор-қидирав фаолияти органи – прокурор – тезкор-қидирав фаолияти органи – маҳсус ваколатли давлат органи” тизими асосида олинади.

Шунингдек, ахборотларни маҳсус ваколатли давлат органидан сўровнома асосида тўғридан-тўғри олиш имкониятининг йўқлиги тезкор-қидирав органлари томонидан сўровнома ижросини таъминлаш учун ҳам алоҳида тезкор-қидирав иши юритишга ва иш ҳажмининг сунъий ошиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Шу сабабли, абонентлар ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборотни олишни соддалаштириш мақсадга мувофиқ. Бунда, бундай турдаги маълумотларни олиш суроштирувчи, терговчининг прокурор санкция берган қарори ёки суднинг ажрими асосида олиниши, шунингдек, қарор ёки ажрим қабул қилинган вақтдан бошлаб маҳсус ваколатли давлат органи томонидан дарҳол ижро қилиниши хақидаги нормаларни қонун-хужжатларига киритилиши мақсадга мувофиқ;

иккинчидан, тезкор-қидирав фаолиятини ахборот билан таъминлашда ижобий натижаларга эришиш учун, тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширувчи субъектлар ўртасида маҳсус ҳимояланган тизимда ахборот базасини яратиш;

учинчидан, тезкор-қидирав ишларини юритишнинг электрон шаклига ўтиш, яъни, тезкор қидирав ишларини қофоз шакли билан бирга электрон шаклини ҳам юритишни жорий этиш;

тўртинчидан, тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширувчи органлар ўртасида ахборот алмашинувини амалга оширишда ҳамкорликни кучайтириш лозим.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг хукуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон хаёти ҳимоя қилинмоғи керак //Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 2017 йил 9 февраль куни ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағищланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи: [www.uzau.uz](http://www.uzau.uz).
2. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисида”ги қонунига шарх. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонуни. (<https://lex.uz>).
4. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ги 405-сон Қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2016. – №17. – 173-м.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ги 442-сон Қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2017. – №36. – 943-м.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 16 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ги 448-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2017. – №126. – 17-м.
7. «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон

Республикаси Президентининг ПФ-5005-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2017. – №15. – 243-м.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида» гиФармони.[www.lex.uz](http://www.lex.uz)
9. Lex.uz «Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги маълумотларининг миллий базаси» излов тизимидағи маълумотлари бўйича тайёрланди.

